



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “КЕЛАЖАК ЎЙИНЛАРИ”НИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 21 февраль куни “Келажак ўйинлари” мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрида бўлди.



Қозон шаҳрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия Президентини спортнинг анъанавий ва виртуал турларини ўзида мужассам этган “Келажак ўйинлари” биринчи халқаро мусобақаси ўтказилаётгани билан самимий қутлади.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари, жумладан, ўтган йил 5-7 октябрь кунлари Москва шаҳрида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

2023 йилда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, ҳудудлар, таълим, тиббиёт форумлари, қатор бошқа ишбилармонлик ва маданият тадбирларининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Товар айирбошлашнинг ижобий суръати сақланиб қолмоқда. Саноат, энергетика, транспорт, кимё, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалар фаол бошқичга кирган.

Ҳудудлар ўртасидаги кооперация алоқаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент ва Жиззах вилоятларида “Химград” индустриал технопарклари муваффақиятли ишламоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларида янги “Алабуга” ва “Мастер” инновация парклари барпо этилмоқда.

Давлат раҳбарлари транспорт йўлақларини биргаликда ривожлантириш, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди, бўлажак халқаро тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозон шаҳрида “Келажак ўйинлари” биринчи халқаро мультиспорт мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

“Қозон Экспо” халқаро кўргазмалар марказида бўлиб ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва бошқа хорижий меҳмонлар ҳам қатнашди.

Иштирокчилар эътиборига “Келажак ўйинлари” дастурига кирган спорт турлари ҳақида видеолар ҳам театрлаштирилган саҳна кўриниши тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари иштирокчиларга омад тилаб, 2026 йилги “Келажак ўйинлари”ни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди.

Маросимдан сўнг олий мартабали меҳмонлар махсус кўргазма билан танишдилар. Виртуал макондаги беллашувлар ва анъанавий спортни ўзида мужассам этган “физитал-спорт” концепцияси тўғрисида маълумот берилди.

Етакчилар киберспорт мусобақаларини, физитал-футбол бўйича машгулотлар жараёнини кузатдилар, спортдаги янги йўналишнинг бугунги ривож ва истиқболлари ҳақида ҳикоя қилувчи тасвирий санъат намуналари ва тақдиротлар билан танишдилар.

“Келажак ўйинлари” — беллашувлар бир вақтнинг ўзида спортнинг анъанавий турлари ва уларнинг рақамли муқобилларида ўтказилаётган юқори технологик мусобақадир. У жорий йилнинг 21 февраль кунидан 3 март кунига қадар давом этади.

Турнирда 100 дан ортиқ мамлакатдан қарийб 300 та жамоа, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари иштирок этмоқда. Юрдошларимиз физитал-хоккей, виртуал велопоёғ, спорт дастурлаш каби йўналишларда куч синашди.


Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозон шаҳрига амалий ташрифи яқунланди.

ЎЗА



ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ

МИЛЛИЙ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИ



ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш
жамият ва давлат манфаатларига
хизмат қилади

Президентимизнинг кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони лойиҳаси белгиланган кенг қўламли вазифаларни жорий йилда самарали бажариш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришишга қаратилган тизимли ҳаракатларни изчил давом эттиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Хусусан, унда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 5 та йўналиши бўйича 2024 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва ишлаб чиқиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати белгиланган. Бу жараёнда экспертлар, турли соҳа мутахассисларининг бераётган таклифлари

муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, давлат дастури лойиҳасида кўзда тутилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси, қонунчиликда қўллаб-қувватлаш ўзгаришлар борасида мутахассислар фикри билан қизиқдик.

Давоми 3-бетда

Муносабат

ИНДИВИДУАЛ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ДАСТУРИ

ЭХТИЁЖМАНД ТОИФАЛАР АЙНАН ҚАНДАЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖЛИГИ АНИҚ БЕЛГИЛАНАДИ

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, ижтимоий хизмат турлари ва қўламли кенгайтирилмоқда. 2023 йил 1 июнда давлатимиз раҳбарининг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.



Президентимиз раислигида 20 февраль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ана шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгиланди.

Тегишли агентлик, қўмита ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

Мансурбек ОЛЛОЁРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори:

— Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламни муҳофазалаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишига айланган. Кейинги йилларда бу борада кенг қамровли

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам бу борада кенг қамровли вазифалар белгиланган ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон ва халқаро майдон

Хориждаги ватандошларимиздан кўп эшитамиз: ҳозир дунёнинг кўплаб давлатлари бозорида ўзбек бренди остидаги маҳсулотларни топиш мумкин. Ҳатто океанorti мамлакатларида ҳам “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёрлиқ остидаги маҳсулотлар дўкон расталарини безаб турибди. Бу юртимизда экспорт учун қулай муҳит яратилиб, тадбиркорларимиз анъанавий ҳамкор давлатлардан ташқари, янги бозорларга кириб бораётгани натижаси. Хусусан, ўтган йили мамлакатимиз экспортининг ўсиш суръати 123,8 фоизни ташкил этди. Юртимиз ташқи савдо айланмаси ҳажми қарийб 62,6 миллиард долларга етиб, шундан 24,4 миллиард доллар экспорт хиссасига тўғри келди. Миллий маҳсулотларимиз жаҳоннинг 110 дан ортиқ давлатига кириб бормоқда.

ЭКСПОРТГА ЙЎЛ

сифат назоратидан бошланади

Албатта, буларнинг бари жозибдор рақамлар. Уларга эришиш осон бўлмаганини эса соҳа вакиллари яхши билади. Ҳамкорлик, келишув ва бошқа қўллаб-қувватлаш масалаларида қийинчиликлар бир томон. Аммо экспортда яна бир муҳим ва зарур жиҳат бор, бу — маҳсулот сифати. Айниқса, дунёда халқаро сифат ва стандарт кўрсаткичларига талаб ортиб бораётган бугунги даврда ушбу мезон янада қатъийлашмоқда. Яъни товарга ёпиштирилган сифат ёрлиғи унинг халқаро стандартлар талабларига тўла мос келишини тасдиқлаган тақдирдагина, хориждаги бозорлар расталаридан жой олади.

Хўш, бу тизим мамлакатимизда қанчалик намунали ишламоқда? Афсуски, бу борада ҳамон кўзга

ташланаётган камчиликлар йўқ эмас. Жорий йилнинг 18 январь куни давлатимиз раҳбари раислигида инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айни шу жиҳат ҳам танқид қилинди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон “GSP+” тизимига қўшилиб, Европага 6 минг 200 турдаги товарларни божсиз олиб кириш имкониятига эга бўлса-да, ўтган йили бу тизим доирасида бор-йўғи 384 турдаги товарлар экспорт қилинган. Мева-сабзавот экспорти учун хорижий давлатларнинг фитосанитар руҳсатлари олинганига қарамадан, бундан тўлиқ фойдаланилмаган.

Давоми 4-бетда

Уйғоқ фикр

ЁШ АВЛОД ВАТАНПАРВАРМИ ЁКИ ИСТЕЪМОЛЧИ?





Муносабат

ИНДИВИДУАЛ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ДАСТУРИ

ЭХТИЁЖМАНД ТОИФАЛАР АЙНАН ҚАНДАЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖЛИГИ АНИҚ БЕЛГИЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Бундан ташқари, Ўзбекистон 2021 йилда Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган ва шунинг асосида зимманинг олинган муҳим вазифалар ижросига катта эътибор қаратиляпти. Ингилишда ана шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди, ижтимоий ҳимоя ва аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ишларни янги босқичга қўтариш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу жараёнда аҳолига янада яқинроқ бўлиш мақсадида маҳаллаларга тушиб ишлаш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Маълумки, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни жамиятга интеграциялаш учун, аввало, уларни таълимга жалб этиш, соғлигини муҳофазалаш, касб ўргатиш, меҳнат қилиши учун қулай шароит яратиш муҳим. Бу йўналишда ҳам ишларни ташкил этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Хусусан, эндиликда ногиронлиги бўлган шахсларга ишлаш ва касб-хунарга ўқишда тўсиқсиз муҳит яратиш учун уларнинг “меҳнатга лаёқатини белгилаш” амалиётидан воз кечилади. Бунда ногиронлик касалликка қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқот қobiliяти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгиланади.

Президентимиз ташаббуси билан ногиронлиги бор шахслар учун олий таълимда алоҳида квота жорий этилган эди. Жорий йил бу имкониятдан баҳраманд бўлган икки мингдан зиёд ёшлар олий ўқув юрларини тугаллаб, жамиятимизга кириб келаяпти. Яратилаётган янги имкониятлар уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни протез ва реабилитация воситалари билан таъминлаш масаласи ҳам доим эътиборда турибди. Эндиликда бу воситаларга ажратилаётган маблағ ҳажми 1,5 баробарга оширилади. Яна бир муҳим масала — протез ва реабилитация воситасини ногиронлиги бўлган шахснинг ўзи танлайди. Жойлардаги ижтимоий хизмат ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ходимлари эса бу борадаги ишларни тизимли ташкил этишга масъул бўлади.

Умуман олганда, энди ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ҳам ўзгаради. Бунда эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилади ва уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб берилади. Муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури бўлади.

Озода ПАРПИБОВЕВА,
Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Видеоселектор йиғилишидаги масалаларнинг барчаси бевосита оилалар, хусусан, ижтимоий қийин вазиятдаги инсонлар,

ногиронлиги бор фуқаролар, ота-онасидан айрилган ёшларни манзилли ва мақсадли қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бу вазифаларни амалга ошириш, ҳар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида профессионал ёндашув мазкур соҳада ишлаётган вазирлик ва идоралар ходимларидан тортиб, маҳалла тизимидаги масъулларга олиб бораётган ишларни тубдан ўзгартириш, ўзига нисбатан талабчанликни янада оширишни тақозо этади. Жумладан, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси тизимида фаолият олиб бораётган мутахассислар зиммасига ҳам катта масъулият юкланади.

Йиғилишда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда оила ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари, аёлларни зўравонлик ва тазйикдан ҳимоя қилиш тизими кучайтирилди. Бу борадаги ишлар халқро даражада, нуфузли институтлар томонидан эътироф этилмоқда.

Берилган топшириқлар асосида тазйикқа учраган аёлларга маҳалланинг ўзида тезкор комплекс хизмат кўрсатиш тизими орқали маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ички ишлар вазирлиги тизимидаги хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор аёллар, “маҳалла еттилиги” тизими ҳамкорлигида тазйикқа учраган аёл билан бирга унга нисбатан шу ҳолатни содир этган фуқарони тузатиш дастурларини янада кучайтиради. Бу борадаги ишлар 2023 йилда ўз натижасини бериб, ҳимоя ордерлари тақдим этилиши 2022 йилга нисбатан 1,1 баробарга камайган бўлса-да, бундай муаммолар ҳаётимизда

учраб тургани масъул вазирлик ва идоралар ҳамкорлигини янада кенгайтириш, маҳалла тизимидаги янги механизмни самарали йўналтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ота-онасидан айрилган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун кўмаклашиш мақсадида жорий этиладиган “Ёшларга ҳамроҳлик” дастурини амалга ошириш ҳам бевосита кўмита тизимидаги масъулият юқлайди. Андижон вилоятида оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги ёндашув асосида олиб бориш мақсадида Жалақудуқ туманида “Оила ва хотин-қизлар маскани”ни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиққан эдик. Президентимизнинг қийин вазиятдаги ёш оналарни қўллаб-қувватлаш учун “Оналар маскани” хизматини йўлга қўйиш борасидаги топшириғи айнан мана шу лойиҳамизни республика миқёсида амалга оширишга мустаҳкам замин яратди.

Бугун бевосита инсон омили билан ишлайдиган масъулларнинг одамлар ташвишини чуқур ўрганмай, унинг дардини ўзидан ўтказмай ишлашга мутлақо ҳаққи йўқ. Видеоселектор йиғилишида билдирилган танқидий фикрлар бунга бир қарра исботлайди. Ушбу танқидий мулоҳазалардан хулоса чиқариб, масъул ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳолда бир қатор ишларни режалаштирялмиз.

Жумладан, Болалар омбудсмани билан биргаликда вояга етмаган қизларни

унаштиришнинг олдини олиш борасидаги тарғибот ва амалий ишларни кучайтиради. Жамоатчилик фаолларининг ушбу ҳолатлар бўйича билдираётган таклиф ва фикрларини ўрганимиз, ҳамкорлиқни кенгайтираимиз. Қашқадарё вилоятида кўпроқ кузатилаётган эрта унаштирув ва эрта турмуш ҳолатларининг олдини олиш бўйича қилинаётган ишларни ўрганиб, сабабларини очиклаймиз.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олиб борган ишларимиз ҳамда илмий-тадқиқот институтларимиз тадқиқотлари натижасида маълум бўлдики, ногирон тугилаётган гўдакларимизнинг катта қисми қариндошлар ўртасидаги никоҳга тўғри келади. Шунини инобатга олиб, аҳоли орасида вояга етмаганлар ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатларидан огоҳлантириш ишларини давом эттираимиз. Зарур ҳолларда ҳудуд ҳокимларининг ушбу масалаларга бўлган эътиборини кучайтириш чораларини кўраимиз.

Ҳамкорлар билан бирга қизларнинг таълим олиши, олий маълумотли бўлиши йўлидаги ислохотлар моҳиятини янада кенг-роқ тарғиб этамиз.

Одилжон АТОУЛЛАЕВ,
Янгийўл тумани ҳокими:

— Президентимизнинг 2023 йилда қабул қилинган “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида туманимизда ҳам ижтимоий ҳодимлар томонидан ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Виктор КИМ,
Тожикистон Миллий фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари институтини катта илмий ходими:

— Янги Ўзбекистоннинг қарашлари келажакка, XXI асрнинг илғор технология жараёнига қаратилган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозон шахрида илк бор ўтказилаётган “Келажак ўйинлари” мусобақасининг очилиш маросимида иштирок этиш учун Россияга амалга оширган ташрифи икки давлатнинг янги илғор келажакни биргаликда барпо этиш борасидаги амалий таълимларини тасдиқлайди. Ушбу турнир аъъанавий спорт турлари, илмий ишланмалар ва рақамли технологияларни ўзида мужжасам этган ўзига хос мусобақадир.

Ўзбекистон раҳбарининг Қозон шахрида “Келажак ўйинлари” мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиши нафақат гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқнинг янги шакллари қўллаб-қувватлаш ва уларга қизиқиш билдириш, балки 2023 йил 5-7 октябрь кунлари Россияга расмий ташриф якунида эришилган келишувларни мустаҳкамлаш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Жан-Антуан ДЮПРА,
Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институтини эксперти, Ўзбекистон бўйича мутахассис (Франция):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 21 февраль куни ушбу мамлакатта амалий ташрифи икки томонлама муносабатлар изчил ривожланишининг мантиқий давоми, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган ишончли алоқаларнинг далилидир.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги барча соҳаларда, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ва инвестициявий йўналишларда муваффақиятли ривожланиб бораётганини қайд этиш керак. 2023 йилда 9,8 миллиард АҚШ долларидан ошган ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон ва Россия БМТ, МДХ, ШХТ, бошқа глобал ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳам яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Қозон шахрига ташрифи давомида МДХ давлатлари раҳбарлари билан биргаликда “Келажак ўйинлари” мусобақасининг расмий очилиш маросимида иштирок этди. Ушбу йирик спорт тадбирида 107 мамлакатдан 227 жамоа, жумладан, Ўзбекистон спортчилари қатнашмоқда. “Келажак ўйинлари”нинг асосий госяи “фиджитал” — виртуал ва

Ходимларимиз маҳаллаларда хатлов ўтказиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар рўйхатини шакллантирди. Бу жараёнда ногиронлиги бор бўлган шахсларнинг 1071 нафари меҳнатга лаёқатли экани маълум бўлди. Яъни 40 нафари олий, 203 нафари ўрта-махсус ҳамда 830 нафари ўрта маълумотли. Бугунги кунда уларнинг 325 нафари бандлигини таъминлашга эришдик.

Шунингдек, ногиронлиги бор шахсларнинг 296 нафари 25 турдаги параспортга йўналтирилди. Меҳнатга лаёқатли 748 ногиронлиги бўлган фуқарони ишга жойлаштириш юзасидан ҳар бир ташкилотда ногиронларни соғлом турмуш тарзига қайтариш мақсадида камид биттадан иш ўринларини уларга ажратиш юзасидан манзилли дастур ишлаб чиқарилди.

Умуман олганда, ҳозирги кунда улар билан манзилли ва мақсадли иш олиб бораляпти. Биринчи навбатда, уларга касб-хунарга ўргатиш, сўнгра кафолатланган иш жойи яратиш юзасидан изланилмиз. Яратилаётган иш жойи ҳам ногиронлиги бўлган шахс учун ҳар томонлама қулай бўлиши керак. Шундагина бундай инсонларни жамият ҳаётида фаол бўлишга жалб эта оламиз.

Видеоселектор йиғилишида шу йўналишда олиб бораётган ишларимизга ўзига хос баҳо берилди, камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва уларни ҳал этиш бўйича аниқ топшириқлар қўйилди. Ушбу топшириқларни ўз вақтида ва самарали бажариш зимманимиздаги муҳим вазифадир.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.

Биз ва дунё

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Россияга ташрифи ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 21 февраль куни “Келажак ўйинлари” мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шахрида бўлди.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия давлат раҳбарларининг икки томонлама учрашуви бўлиб ўтди. Унда 2023 йил 5-7 октябрь кунлари Россияга расмий ташриф якунида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш ҳамда кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Россияда илк бор ташкил этилаётган ва 21 февраль — 3 март

кунлари бўлиб ўтадиган “Келажак ўйинлари” спортнинг аъъанавий турлари, илмий ишланмалар ва рақамли технологияларни ўзида мужжасам этган мусобақадир. Ушбу йирик спорт тадбирида 107 мамлакатдан 227 та жамоа, жумладан, Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этмоқда.

Халқаро экспертларнинг фикрича, ҳақиқий ва киберспортни ўзида мужжасам этган ушбу инновацион мусобақа формати МДХ янги жаҳон тенденциялари асосида ривожланиб бораётганининг муҳим кўрсаткичидир.

“Келажак ўйинлари”, аслида, энг йирик спорт тадбири бўлиб, давлат раҳбарларининг шахсан иштироки бунинг ёрқин ифодасини намоён этмоқда.

Дария РЕКЕДА,
“Иқтисодиёт олий мактаби” миллий тадқиқот университети Европа ва халқаро кенг қамровли тадқиқотлар маркази етакчи эксперти:

— “Келажак ўйинлари” ҳақида гапирар эканман, бундай тадбирларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, биринчидан, бу ҳақиқий спорт ва кибер трендларни бирлаштирган инновацион шаклдир. Қозондаги “Келажак ўйинлари”да иштирок этиш учун келган барча терма жамоалар мусобақанинг асосий қисмида ҳам, киберспорт қисмида ҳам умумий очколарни қўлга киритиши керак.

Таъкидлаш керакки, МДХ давлатлари раҳбарларининг Қозонда йиғилишининг сабаблари ҳам бор. Чунки инсон капиталини ривожлантириш барча давлатлар учун устувор вазифа саналади. Шу маънода, Ўзбекистонда ИТ-кластер ва киберспортни ривожлантириш борасида, ҳақиқатан, кўп ишлар қилинмоқда. Президент мактабларида, айниқса, математика бўйича бунга алоҳида йўналиш берилиб, махсус синфлар ташкил этилганидан хабардоримиз. Бу соҳа Россияда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жуда тез ривожланаётганидан далолат беради.

Давлатларимиз технологик тараққиётда ёпиқ эмаслиги жуда муҳим. Биз компьютерлар ва турли спорт мусобақалари ёшларга қандай ёмон таъсир қилиши ҳақида турли платформалардан эшитамиз, лекин, аслида, биз аллақачон бу ҳақиқат билан бирга яшаяпмиз.



Кибернетика соҳасида ёшлар салоҳиятини ривожлантиришга юқори даражада эътибор қаратилаётгани, фикримча, давлатларимиз глобал жараёнлар суръатида ҳаракатланаётгани, ёпиқ бўлмаётгани ва бу жараёни чеклашга уринмаётганининг яхши белгисидир.

МДХ давлат етакчилари, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев, Қозогистон ва Қирғизистон етакчиларининг Қозонга келиши МДХ янги жаҳон тенденциялари асосида ривожланиб бораётганининг муҳим кўрсаткичидир.

“Келажак ўйинлари”, аслида, энг йирик спорт тадбири бўлиб, давлат раҳбарларининг шахсан иштироки бунинг ёрқин ифодасини намоён этмоқда.



реал спортни бирлаштирган янги турдаги спорт мусобақасидир. Мусобақани бутун дунё бўйлаб 150 миллионга яқин одам онлайн томоша қилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга ташрифи икки мамлакат ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН 2030

СТРАТЕГИЯСИ

МИЛЛИЙ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

хукуқий асосларни такомиллаштириш жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилади

Бошланиши 1-бетда

Абдулазиз РАСУЛЁВ,
юрidik фанлар доктори,
профессор:

— Қонунчиликни такомиллаштириш Ўзбекистон хукуқий сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Қонунчилигимизда қатор ўзгаришлар рўй берди, бу юртимизда кечаётган кенг қўламли ислохотлар билан боғлиқ. Бундай ўзгаришлар тизимли ва мувофиқлаштирилган чораларни талаб қилади. Шу сабабли қонун ижодкорлиги фаолиятида норматив-хукуқий ҳужжатларни такомиллаштириш режаларини ўз ичига олган дастур ва мақсадли ҳужжатларни қабул қилиш амалиёти шаклланди. Шулардан бири “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидир.

2023 йилда Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2023” стратегиясини амалга ошириш тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилиниши билан норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш амалиёти юзага келди. Мазкур қарорда 113 та норматив-хукуқий ҳужжат ишлаб чиқишлиши белгиланган.

Бу амалиёт 2024 йилда ҳам давом эттирилиб, йўналишлар кесимида жами 103 та норматив-хукуқий ҳужжат ишлаб чиқишлиши кўзда тутилган. Хусусан, 18 та қонун лойиҳаси, Президентнинг 3 та фармони ва 14 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори ва 2 та фармойиши лойиҳаси шулар жумласидан.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ўз аҳамиятини йўқотмаган барча мақсадларга эришиш, амалга оширилиши давом этаётган Тараққиёт стратегиясида белгиланган долзарб вазифаларнинг бажарилиши таъминланади.

Ишлаб чиқиладиган норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш қатор афзалликларга эга.

Биринчидан, улар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича таснифланади. Бу 2030 йилга қадар режалаштирилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш имконини беради. Хусусан, йод танқислигининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқишлиши стратегиянинг аҳоли ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш бўйича 13-мақсадга, жумладан, саратон, юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет ва нафас олиш касалликларидан эрта ўлим кўрсаткичларини камайтиришга йўл очади. Яна бир мисол — болаларга нисбатан таъйиқ ва ўзравонлиқнинг олдини олишга қаратилган хукуқий механизмларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Ушбу чора стратегиянинг 24-мақсади — болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, яъни жамиятда болаларга нисбатан таъйиқ ва ўзравонлиқни рад этиш маданийтини шакллантиришни таъминлайди.

Иккинчидан, фармон лойиҳасида ишлаб чиқишлиш режалаштирилган норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳасининг мазмунини тўғрисида умумий қондалар кўзда тутилган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини иш билан таъминлашнинг прогрессив шакллари ривожлантириш орқали бандликни янада кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектлари учун имкониятлар яратишга оид қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Унда қуйдагилар назарда тутилди:

- аутстаффер (иш берувчи) ходимини бошқа иш берувчига шартнома асосида юбориш тартибини ишлаб чиқиш;
- аутстаффнинг хизматларини кўрсатишда тарафларнинг мажбуриятларини белгилаш;
- аутстаффнинг хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан бўйича бажарилишига йўл қўйилмайдиган ишлар турлари рўйхатини шакллантириш.

Яна бир мисол — Вазирлар Маҳкамасининг темир йўл транспорти соҳасида давлат томонидан тартибга солинадиган ва бозор таъминоти асосида кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлашга оид қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Ушбу ҳужжат доирасида темир йўл соҳасида кўрсатиладиган хизматларнинг барчасини қамраб олган ҳолда, давлат томонидан тартибга солинадиган ва бозор таъминотида ўтадиган хизматлар турларини тасдиқлаш режалаштирилмоқда.

Бундай тартиб маъсул ижрочиларга норматив-хукуқий ҳужжатларнинг асосий мазмунини ва маъносини тушунишга имкон беради. Бундан ташқари, жамоатчилик қонунчилигида режалаштирилган ўзгариш ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлади. Бу жуда муҳим, аниқсиз, фармон лойиҳасини муҳокама қилиш босқичида.

Учинчидан, норматив-хукуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш учун мuddатлар ва маъсул ижрочилар белгиланган. Таъкидлаш жоизки, маъсул ижрочилар тегишли фармон лойиҳасининг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланмоқда. Лойиҳаларнинг асосий қисминини ишлаб чиқиш Иқтисодиёт ва молия (9 та лойиҳа), Маданият (5 та лойиҳа), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларига (3 та лойиҳа) топишириш тақдир қилинмоқда. Шу билан бирга, мавзунини ҳисобга олган ҳолда норматив-хукуқий ҳужжатни ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатадиган ҳамжиро-чилар кўрсатилади.

Норматив-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида айрим ҳолларда фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорликни ҳам кўриш мумкин. Хусусан, атоқли адибларнинг таваллуд саналарини адабиёт ва китобхонлик байрамлари сифатида нишонлаш, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атама-



лар комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқишда Ёзувчилар уюшмаси ижрочи сифатида кўрсатилмоқда. Савдо-саноат палатаси эса йод танқислигининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш (калий йодатни кенг ишлаб чиқариш орқали) ва ишга қабул қилишда иш берувчилар томонидан талаб этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ижрочилардан бири сифатида қайд этилган.

Фармон лойиҳасининг таҳлили режалаштирилаётган норматив-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда эътибор берилиши керак бўлган қатор муҳим жиҳатларни ажратиб кўрсатишга имкон беради.



“Ўзбекистон — 2030” стратегияси муҳим дастурий ҳужжат бўлиб, унинг амалга оширилиши эркин ва фаровон, кучли давлат куриш бўйича барча мақсадларга эришиш имконини беради. Жамоатчилик томонидан кўплаб тақлифлар билдирилаётгани хукуқий сиёсатни шакллантириш муҳимлигидан далолатдир.

Биринчидан, янги тахрирдаги Конституция қондаларини амалга оширишга эътибор қаратиш лозим. Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси янги тахрирдаги Конституциямизни амалга ошириш доирасида қабул қилинди. Бунда муҳим конституциявий янгиликларга эътибор қаратиш лозим.

Масалан, лойиҳада маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларини ажратишнинг хукуқий асосларини акс эттириш мақсадга мувофиқ. Бу Конституциянинг ҳокимлар ва Халқ депутатлари кенгашлари раислари лавозимлари ажратилишини назарда тутган 120-моддасига ҳам, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 75-мақсадига ҳам мосдир. Фармон лойиҳасида маҳаллий кенгашлар фаолиятида жамоатчилик иштирок этиши учун зарур шароит яратиш, маҳаллий ҳокимликлар, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ваколатлари доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқ белгилаш бўйича норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Фикримизча, фармон лойиҳаси доирасида конституциявий қондаларнинг бажарилишига эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, тегишли соҳада ҳукуқ ижодкорлиги бўйича тўпланган тажрибани ҳисобга олиш. Айрим норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хукуқий

тартибга солишга оид муайян тажриба тўпланган. Масалан, муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий фаолият самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида муҳандис кадрлар тайёрлашнинг такомиллаштириш масаласи кўтарилган. Табиий ва муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлашнинг кенгайтириш вазифасини амалга ошириш доирасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетига айлантирилди. Фикримизча, бу тажриба бутун мамлакат, хусусан, ҳудудларда муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш учун фойдали бўлади.

Учинчидан, норматив-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда амалдаги хукуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни аниқлаш керак. Улардан бири болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтиришдир.

Дарҳақиқат, болаларга қарши ахборот таҳдидлари айнан виртуал маконда кучаймоқда. Статистикага кўра, дунё бўйлаб болаларнинг 72 фоизи каммида битта кибертаҳдидни бошдан кечирган. Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда “Кўк кит” ўйини қайта тикланиши ҳақида ҳам маълумотлар пайдо бўлмоқда. Шу сабабли фармон лойиҳасида болаларни интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича ҳужжат ишлаб чиқиш бўйича тақлиф этилган чора жуда ўринли. Шу муносабат билан қонунчиликда мавжуд камчиликларни ҳисобга олиш ва уларни “Ўзбекистон — 2030”

стратегиясининг мақсадларини амалга ошириш орқали тўлдирish мумкин.

Тўртинчидан, норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишга илмий-академик ва эксперт-таҳлилий доираларни янада кенгроқ жалб этиш лозим. Айнан шу ташиқлотлар муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда фаол иштирок этиши керак.

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси муҳим дастурий ҳужжат бўлиб, унинг амалга оширилиши эркин ва фаровон, кучли давлат куриш бўйича барча мақсадларга эришиш имконини беради. Жамоатчилик томонидан кўплаб тақлифлар билдирилаётгани хукуқий сиёсатни шакллантириш муҳимлигидан далолатдир. Шу сабабли стратегияда баён этилган ғояларни тизимли ва изчил равишда ҳаётга таъбиқ этиш нафақат давлат, балки жамият, хусусан, ҳар биримизнинг иштирокимиз орқали амалга оширилади!



Сардорбек МИРЗОКАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Қонунчилик
ва хукуқий сиёсат институти етакчи
илмий ходими:

— Жаҳон иқтисодиёти “барқарор”, “рақамли” ва “яшил” аҳамиятга эга бўлиб бораётган бир даврда стратегик режалаштиришнинг роли мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун ҳар доимгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Бундай шароитда мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш шартлари “барқарор” мақсадларга асосланиши зарур.

Бу каби мақсад ва вазифалар эса оdatда стратегиялар, концепция ва мақсадли дастурларда, яъни стратегик характердаги ҳужжатларда акс эттирилади.

Стратегия, концепция ва мақсадли ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга таъбиқ этиш стратегик режалаштириш тизимининг асосий бўғинини ташкил этади. Санаб ўтилган ҳужжатлар стратегик режалаштиришнинг мақсули бўлиб, улар жамият ва давлат ривожини учун хизмат қилади.

Умуман олганда, стратегик режалаштириш мақсад ва бошқарув мезонларини шакллантириш, муаммолар ва ривожлантирилиши зарур бўлган муҳитни таҳлил қилиш, стратегик ғояларни аниқлаш, сценарийлар ва тараққиётнинг устувор йўналишларини таллаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг прогнозлаш орқали стратегик ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнидир.

Стратегик режалаштириш одатий режалаштиришдан мақсад ва вазифалари, илмий-амалий таҳлиллари ва прогнозларга асослангани, мақсадларга эришишнинг мақбул вариантлари яратилиши, воситалар ва ресурслар билан таъминлангани, ижро механизмлари белгиланиши, давлат бюджети маблағларидан янада самарали фойдаланишга қаратилгани билан фарқланиб туради.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир рақамлар ҳам стратегик характердаги ҳужжатлар ишлаб чиқишга йўналиш беради. Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти таҳлиллариغا кўра, 2030 йилга бориб, юртимиз аҳолиси 41 миллиондан ошади. Бу эса урбанизация, ижтимоий инфратузилма ва бошқа ижтимоий соҳалар (соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим) тизимини тегишнча ривожлантириб боришни ва рақамларда келтирилган аҳоли эътиёжларига жавоб бера оладиган даражага етказишни талаб этади.

Давлатчилик тараққиётининг барча даврларида стратегик режалаштириш тизимидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинган. Утган асрнинг 60-йилларидан юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эга мамлакатлар ҳам ривожланишнинг 5-10 йиллик ва ҳаттоки бир неча ўн йилликларга мўлжалланган миллий дастурларини қабул қила бошладилар.

Ривожланишнинг стратегик ҳужжатларга асосланиш давлат бошқарувида ва халқро ташиқлотларнинг фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Хусусан, БМТ ҳужжатларида акс эттирилган ва бевосита унинг мувофиқлаштируви остида амалга оширилган “Ўн йиллик ривожланиш дастурлари”, “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”, “Барқарор ривожланиш мақсадлари” кўплаб мамлакатлар учун иқтисодий-ижтимоий ривожланишни белгилашда муҳим андоза бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада хорижий давлатларнинг ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастурлардан кенг фойдаланиш амалиёти шаклланди.

Ўзбекистонда ҳам 2017 йилдан эътиборан мамлакатни ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ мuddатли истиқболда ривожлантиришнинг стратегик характерга эга бўлган ҳужжатлари қабул қилина бошладилар.

Ҳозирги кунда умуммиллий, соҳавий ва ҳудудий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилашга қаратилган, стратегик характердаги 60 дан зиёд ҳужжат — стратегия, концепция, дастур қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Уларнинг айримлари кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш



бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022 йилдаги 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва 2023 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси.

Умуммиллий, соҳавий ва ҳудудий стратегиялар асосида мамлакатни ривожлантиришга эътибор берилиши стратегик режалаштириш тизимини хукуқий жиҳатдан янада такомиллаштиришга туртки бўлмоқда. Айни дамда миллий стратегик режалаштириш тизими Конституция, “Норматив-хукуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа соҳавий норматив-хукуқий ҳужжатларга асосланган. Бироқ таҳлиллар натижасида шундай фикрга келиш мумкинки, стратегик режалаштириш тизимининг асосий элементларидан бири бўлган ягона қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, Данияда “Режалаштириш тўғрисида”ги, АҚШда “Давлат органлари фаолиятини баҳолаш тўғрисида”ги, “Давлат бошқаруви ва жавобгарлигини такомиллаштириш тўғрисида”ги, Канадада “Тасирчи баҳолаш тўғрисида”ги, Австралияда “Режалаштириш тўғрисида”ги, Янги Зеландияда “Ҳудудий режалаштириш тўғрисида”ги, Японияда “Миллий ҳудудий режалаштириш тўғрисида”ги, Сингапурда “Режалаштириш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган.

МДҲ давлатларида ҳам ушбу соҳани хукуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Россияда “Стратегик режалаштириш тўғрисида”ги қонун, Қозғистонда ҳукуматнинг “Давлат режалаштириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Ушбу давлатларда стратегик режалаштириш тизимининг қонунчилик асосларини белгилаш билан бирга унинг институционал асослари ҳам яратилган. Масалан, АҚШда Бошқарув ва бюджет идораси, Франция ҳукумати ҳузурида режалаштириш бўйича Франция Бош комиссарлиги, Франция Стратегия маркази, Корея Республикасида Стратегия ва молия вазирлиги, Сингапурда Бош вазир деовондаги Стратегия гуруҳи, Қозғистонда Стратегик режалаштириш ва ислохотлар агентлиги ташкил этилган. Улар стратегик режалаштириш тизимини бошқаради ва ушбу соҳадаги давлат сиёсатини мувофиқлаштиради.

Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони лойиҳасида “Стратегик режалаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тақлифи назарда тутилиши жуда ҳам долзарб. Ўзбекистонда давлат бошқарувида стратегик режалаштириш тизимини такомиллаштириш, хусусан, соҳада ягона тизимлашган қонун ҳужжати — “Стратегик режалаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш давлат стратегик режалаштириш тизимидаги бўшлиқларни тўлдирди.

Фикримизча, ушбу қонун қабул қилинса, аввало, давлат бошқарувида стратегик режалаштиришнинг тизимлашган қонунчилик асоси яратилади. Турли даражадаги стратегик характердаги ҳужжатларни қабул қилишнинг методологик асослари такомиллаштирилади. Шунингдек, нафақат республика ёки соҳаларни ривожлантириш, балки ҳудудлар, хусусан, чекка, олис шаҳар ва туманларни ҳам комплекс ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишнинг мувофиқлашган тартиби жорий этилади.

Бундан ташқари, давлат стратегик ҳужжатлари (стратегия, концепция, дастур)ни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизими мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилади. Давлат ҳокимияти бошқаруви органлари тизимида стратегик режалаштириш тизимини мувофиқлаштириш, стратегиялар мониторингини ва баҳолаш тизимини амалга оширувчи махсус давлат ҳокимияти органининг мақомига аниқлик киритилади, унинг вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланади.

Давлат бошқарувида миллий стратегик режалаштириш тизими хукуқий асослари такомиллаштирилиши давлат ва жамиятнинг олдиға қўйган олий манфатлари, фуқароларимиз турмуш тарзини яхшилаш ҳамда ҳудудларнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон ва халқаро майдон

ЭКСПОРТГА ЙЎЛ

сифат назоратидан бошланади

Бошланиши 1-бетда

Бу масала кўп жиҳатдан маҳсулотнинг жаҳон стандартлари талабларига мослаштирилмаётгани билан ҳам боғлиқ. Маълумотларга кўра, кўплаб корхоналаримизда халқаро сертификат йўқлиги учун глобал логистика занжирларига қўшили олмаяпти. Иқтисодиётнинг драйвер соҳаларида халқаро стандартларни жорий қилиш даражаси 35 фоизга ҳам етмайди. Шу боис, мутасаддиларга корхоналарда халқаро сифат тизимларини жорий этиш, сифати қафолатланган маҳсулотлар турини кўпайтириш, салоҳиятли давлатлар билан миллий сертификатни икки томонлама тан олиш бўйича келишувларга эришиш вазифаси қўйилган.

Ўзаро тан олиш тамойили

Гап ҳар бир давлатнинг бозор борасидаги ўз қонун-қоидалари, қонунчилик ҳужжатлари, товар ва маҳсулотларнинг кириб келишига алоқадор талаблари ҳақида бормоқда. Бундай талаблар Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Соҳа тилида айтганда, “техник тўсқинлар” ички бозор сифати ва софлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлашни назарда tutади. Бу тўсқинларни бартараф этиш хориж бозорига ҳам кенг йўл очади. Яъни халқаро сертификатта эга маҳаллий корхоналар сони қанча кўп бўлса, экспорт ҳажми шунча ортиб бораверади.

Кейинги йилларда бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 30 мингга яқин ички стандартлардан қарийб 20 мингтаси халқаро меъёрлар билан уйғунлаштирилиб, халқаро стандартлар реестри шакллантирилди. **Бозор иқтисодиёти механизмларининг тўлиқ ишлашига тўсқинлик қиладиган 6 мингга яқин эскирган стандартлардан фойдаланиш тўхтатилди, 3,5 минг стандарт замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштирилди.** Айни пайтда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шугулланадиган 50 дан ортиқ корхона “Global GAP” ва “Organic” стандартларига мувофиқ, сифат тизимига риоя қилган ҳолда фаолиятини амалга оширмоқда. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини халқаро талаблар асосида сертификатлаш кенгайиб борапти.



Сифат сертификати нафақат ташқи бозорга чиқиш, балки ички бозорда истеъмолчиларнинг талаб даражасидagi маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳам зарур. Бунда маҳсулот ёки хизматга сифат сертификатини берадиган лабораторияларнинг ўзи ҳам халқаро стандартларга жавоб бериши керак. Юртимизда мувофиқлигини баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш бўйича ягона ваколатли орган ҳисобланувчи “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат корхонаси айнан лаборатория ва бошқа сертификатловчи ташкилотлар фаолиятини баҳолайди. Марказ 2019 йил апрель ойидан Оснётинч океани минтақаси аккредитация ҳамкорлиги (АРАС), 2020 йил апрель ойидан Халқаро лабораторияларни аккредитациялаш ҳамкорлиги (ИЛАС) ҳамда 2020 йил декабрь ойидан Халқаро аккредитация форуми (IAF) аъзосига айланди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида эса IAFнинг тўла ҳуқуқли аъзолари сафига қабул қилиниб, аккредитация натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги кўп томонлама битимлар (IAF MLA)га қўшилди.



Хўш, миллий аккредитация тизими халқаро даражада тан олинганининг яна бир исботи сифатида эътироф этилаётган ушбу аъзолик бизга нима беради? Мамлакатимиз экспорти, маҳаллий тадбиркорларимизнинг жаҳон бозорига чиқиши ва брендимизни оммалаштиришда қанчалик аҳамиятга эга? — Ушбу нуфузли ташкилотларга аъзолик, аввало, миллий аккредитация тизимининг халқаро стандартлар асосида ишлашининг қафолати бўлиб, эндиликда Ўзбекистонда амалга оширилган сифат бўйича синовлар дунёнинг 116 та давлатида тан олиншига йўл очилди, — дейди “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДК директори Ансабхон Зокиров. — Қолаверса, у ўзаро битим ва кўп томонлама халқаро савдо шартномаларини ишлаб чиқиш ҳамда мустаҳкамлаш учун хавфсиз ва ишончли пойдевор сифатида хизмат қиладди. Аъзо ва кўп томонлама битимларга қўл қўйган давлатлар бир-бирининг маҳсулот сифати синовларини ўзаро тан олади. Яъни “бир

Сифатни баҳоловчи корхоналарни аккредитациядан ўтказиш осон жараён эмас. Бунда 3 та асосий принцип — ҳалоллик, шаффофлик ва очиқлик бош мезонга айланади. Ана шу талабларга жавоб бера олган ташкилотгина аккредитациядан ўтиб, ишлаб чиқарувчиларга халқаро сифат сертификатларини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади.



маротаба синовдан ўтказиб, бутун дунёда тан олиш” тамойилига кўра иш юритади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро бозорларга эркин кириб бориш, бошқа мамлакатлар сертификатларидан фойдаланиш ҳамда тан олиш ҳуқуқини беради. Тадбиркорлар учун эса ушбу битимларга аъзо бўлиш товар ва хизматларни кўпроқ ишонч билан сотиб олиш имконини яратади. Яъни буюртмачи айнан тан олинган стандартларга жавоб берадиган товар ва хизматларга эга бўлишига ишонч ҳосил қилган ҳолда узоқ хориждан етказиб берувчиларни танлаши мумкин. Бу аъзоликдан ишлаб чиқарувчилар ҳам манфаатдор. Гап шундаки, маҳсулотларнинг халқаро стандарт талабларига жавоб бериши ва сертификатланган бўлиши ички ва ташқи бозор рақобатида устунликка эришишга ёрдам беради.

Талаблар қатъий

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги муҳим саналар экан, халқаро сифатларни жорий этиш долзарб бўлиб бораверади. Синов ҳужжати ёки сертификат

Бозор иқтисодиёти механизмларининг тўлиқ ишлашига тўсқинлик қиладиган 6 мингга яқин эскирган стандартлардан фойдаланиш тўхтатилди, 3,5 минг стандарт замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштирилди.

эса маҳсулот ёхуд хизматнинг сифати, хавфсизлигига қафолат ҳисобланади. Аммо бундай сертификатларни беришга масъул лабораторияларнинг ўзи ҳам аввал аккредитациядан ўтиши лозим. Яъни уларнинг халқаро талабларга жавоб бериши расмийлаштирилиши керак. Тартибга кўра, улар “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат корхонаси томонидан баҳолашиб, ижобий деб топилган ҳолатдагина халқаро стандартлар асосида аккредитациядан ўтказилади. Шундан кейин ушбу лабораториялар томонидан бериладиган сертификатлар хорижда тан олиниб, тадбиркорларга ўз маҳсулотини экспорт қилиш имкониятини оширади.

Маҳсулот, хизмат ёки жараён бўладими, уларга нисбатан ўрнатилган талабга қанчалик жавоб беришини аниқлаш мувофиқлики баҳолаш баҳоланиши амалга оширадиган идоралар тури жуда кўп, улардан энг кенг тарқалгани эса синов лабораториялари ва сертификатлаштириш идоралариридир. Бугунга қадар **юртимизда аккредитациядан ўтган 247 та синов лабораторияси ва 113 та сертификатлаштириш идораси фаолият юритиб келмоқда.**

Аккредитация натижалари халқаро даражада тан олинши ҳам иқтисодий ўсиш ва экспортдаги асосий жиҳатлардан бири. Ўтган йили февраль ойида қабул қилинган “Мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуниди ҳам бу борадаги вазифалар белгилангани бежиз эмас. Чунки юртимизда бу алоҳида тизимга айлангани ҳолда, халқаро стандартларнинг берилиши нафақат корхоналар фаолияти, балки мамлакат имижини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Қонун Жаҳон савдо ташкилотининг савдодаги техник тўсқинлар келишуви, Ев-

роосиё Иқтисодий Иттифоқи тўғрисидаги шартномаси талабларидан келиб чиқиб, Сербия, АҚШ, Канада, Корея, Европа Иттифоқи ва МДХ давлатлари тажрибалари асосида ишлаб чиқилган, — дейди Ансабхон Зокиров. — Унинг амалиётга киритилиши миллий сифат инфратузилмаси янада такомиллашиб, Ўзбекистондаги аккредитация идорасининг халқаро аккредитация ташкилотларида тўлақонли иштирок этиши, стандарт белгимизни дунё тан олиши, тадбиркорларимизнинг янгидан-янги экспорт бозорларига тўсқинларсиз чиқишига имконият яратмоқда.

Чиндан ҳам синовдан ўтган, текширилган товар ва хизматлар харидорларда доим ишонч уйғотади. Бу бозорда рақобатни шакллантиришда ҳам муҳим жиҳатлардан бири. Шу боис, сифатни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш осон жараён эмас. Бунда 3 та асосий принцип — ҳалоллик, шаффофлик ва очиқлик бош мезонга айланади. Ана шу талабларга жавоб бера олган ташкилотгина аккредитациядан ўтиб, ишлаб чиқарувчиларга халқаро сифат сертификатларини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Дунё бозоридagi талаб ҳам шундай. Ҳаммаси ўз тартиби, қонун-қоидаси билан бўлиши керак. Шундагина юртимизда экспортчиларга берилаётган халқаро стандартлар жаҳон бозоридида тан олинади ва бу Ўзбекистоннинг сифат инфратузилмаси бўйича индексларда юқори ўрин эгаллаши, юртимиз инвестицион салоҳияти, экспорт қўламининг ошиши, энг муҳими, аҳолининг сифатли маҳсулот, товар ёки хизматга бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қиладди.

Ўзбекистон бу борада йирик халқаро ташкилотлар аъзосига айланган экан, нафақат мавжуд стандартларни кенг жорий этишда, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарли.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ НАРХИ 15 ФОИЗГА ПАСАЙТИРИЛДИ

БУНИНГ ҲИСОБИГА ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИЛАР ИХТИЁРИДА ҚАНЧА МАБЛАҒ ҚОЛАДИ?

Ҳаким ЭЛМАНОВ,
Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси
Иқтисодий таҳлил ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи

Президентимиз раислигида шу йил 12 февраль кuni бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги заҳираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокама этилиб, соҳага кластер тизими орқали юқори унумли техника ва чуқур қайта ишлаш кириб келаётгани тўғрисида ҳам миқдор, ҳам самарадорлик жиҳатидан ривожланишга эришилаётгани алоҳида эътироф этилди. Аммо ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аграр соҳада унумдорликни ошириш, таннархни камайтириш, сувни тежаш олдимизда турган энг устувор вазифалар экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги корхоналари, хусусан, кластер ва фермер хўжалиқларининг барқарорлигида харажат камлиги ўта муҳим эканига алоҳида тўхталиб, пахта етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятига биржа савдоларига қўйилаётган дизель ёнилғиси нархини 15 фоизга пасайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Куни кеча “Ўзбекнефтгаз” АЖ дизель ёнилғисининг нархи ЭКО дизель ёнилғиси нархига нисбатан 15 фоизга арзонлаштирилганини эълон қилди. Яъни жамиятга қарашли барча нефть база омборларидан “ЕВРО-5 ССДФ” русумли дизель ёнилғиси бир тоннаси 11 608 190 сўмдан арзонлаштирилган нархларда биржа савдоларига жойлаштирилди.

Хўш, ушбу енгиллик пахта етиштирувчиларга қанча иқтисодий наф беради? Кластер ва фермерлар фаолиятида самарадорликни оширишда қандай роль ўйнайди?

Аввало, шунинг айтиш керакки, пахтачилик тармоғида ёнилғи-мойлаш

материаллари энг муҳим ҳисобланади. Негаки, чигит экишдан тортиб, гўза парвариши, ҳосил етиштириш ва йиғиштириб олишгача бўлган барча агротехника тадбирлари сифатли ва ўз вақтида бажарилиши ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотининг барқарорлигига, энг асосийси, нархнинг мақбуллигига боғлиқ.

Очингини айтиш керак, дизель ёнилғиси баҳосининг юқорилиги ҳақли эътирозларга

Қуйидаги жадвалда дизель ёнилғисининг аввалги ва пасайтирилган нархлари ҳамда улар орасидаги фарқни кўриш мумкин:

Номи	Майдон	Сарф миқдори тн.	Ўртача биржа нархи 1 кг. учун сўмда (ҳазирда)	Ҳозирги биржа нархларида сарф-харажат млн. сўмда	Пасайтирилган нархдаги ҳисоб-китоб (15 фоиз туширилган) млн. сўмда	Фарқи (кластер ва фермер ихтиёрида қоладиган маблағ) млн. сўмда
Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари	1 гектар	0,26	15 000,00	3,86	3,28	0,58
	1 млн. гектар	260 000,00	15 000,00	3 900 000,00	3 315 000,00	585 000,00



Янгича ёндашувлар

АДИРОБОДЛИКЛАР

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚЯПТИ

Бешариқ туманидаги Адиробод дала-даштлари ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўзлаштирилиб, ўрикзор боғларга айлантирилган эди. Тумanning жанубий сарҳадлари бўйлаб ястаниб кетган боғ-роғлар эрта қўлдамда гулга бурканади. Табиий иқлим, мусавфо ҳаво мўл ва сифатли ҳосил олиш имконини беради.



Аммо ярим асрдирки, тошда гул ундирадиган миришкор боғбонлар ўз меҳнатидан катта манфаат кўрмай келган. Сабаби, пишиқчилик мавсумида сархил мевалар фақат бирламчи хомашё сифатида ички истеъмол бозорига чиқарилган, манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлган. Бу маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари йўқлиги тўғрисида эди.

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган ихлолотлар кўҳна қишлоқ ҳаёт тарзига тараққиёт эпкинларини олиб

кирди. Натижада бу ердаги манзара буткул ўзгарди.

“Trust agro” МЧЖ ташаббуси билан боғ қўйида қуруқ меваларни қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. Бу ерда аҳоли ва фермер хўжалиқларида етиштирилган ўрик, олхўри, ёнғоқ, майиз сингари қуритилган меваларни дاناгидан ажратиш ва қадоқлаш йўлга қўйилди.

— Хитойдан юқори унумли технологиялар олиб келдик, — дейди лойиҳа ташаб-

ҳам сабаб бўлаётган эди. Ана шундай пайтда унинг нархи пасайтирилгани пахта етиштирувчиларга катта қўмак, соҳа ривожига муҳим пойдевор бўлди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ёнилғи-мойлаш материаллари нархидида берилаётган имтиёзлар ҳисобида пахта етиштирувчи кластер ва фермерлар ихтиёрида қамиди 585 миллиард сўм маблағ тежаб қолинар экан.

Дарҳақиқат, ҳар бир гектар гўза майдонига 0,26 тонна дизель ёнилғиси сарфланишини ҳисобга олсак, 1 миллион гектарда етиштирилган пахта ҳосили учун 260 минг тонна ёнилғи сарфланади. Бу аввалги нархда ҳисоблаганда, 3,9 триллион сўм, пасайтирилган нархда эса 3,3 триллион сўмни ташкил этади. Қўриб турганингиздек, ўртадаги фарқ 585 миллиард сўм!

Ушбу маблағлар, биринчи навбатда, етиштирилган пахта хомашёси таннархи камайишига, кластер ва фермер хўжалиқларининг даромади ошишига олиб келади. Қолаверса, нарх имтиёзи қайта ишлаш босқичларида ҳам маҳсулот таннархига ўз таъсирини кўрсатиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бериши билан алоҳида аҳамиятга эга.

бускори Топволди Мадрахимов. — Йил давомида 5 минг тоннадан ортиқ қуруқ мева замонавий технологиялар ёрдамида сараланиб, данагидан ажратишиб, қадоқланмоқда. Шу кунга қадар бу йўналишда замонавий ишлаб чиқариш корхонаси йўқ эди. Янги лойиҳа тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қўламини кенгайтирди, сифатини оширди. Айни кунда қўшимча тармоқларни фойдаланишга топшириш борасида иш олиб бораётиз.

Корхона иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Халқаро бозорда табиий таъми ва фойдали витаминларга бой бўлган қуруқ меваларга талаб ортаётгани тўғрисида иш унуми ҳам, кўрилаётган даромад ҳам ошмоқда. Ҳозирда умумий қиймати 2 миллион доллардан ортиқ 1000 тоннага яқин қуруқ мева Россия, Хитой, Беларусь, Қозғистон, Литва ва Польша каби давлатларга экспорт қилинди.

Бу ерда бир пайтнинг ўзида 60 дан ортиқ доимий ва 120 та касаначилик асосида иш ўрни яратилган.

— Уйимизга яқин ҳудудда замонавий корхона ташкил этилгани айни муддао бўлди, — дейди “Янгиқўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Юлдузхон Қўқонбоева. — Уч миллион сўмгача ойлик маош оляимиз, бепул тушлик, ишга бориб-келишимиз учун транспорт хизматлари йўлга қўйилган.

Бешариқ туманида 4 минг гектардан ортиқ мевали боғлар бор. Янги лойиҳа мавжуд боғлардан янада самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладигани билан аҳамиятга эга.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Уйғоқ фикр

Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁШ АВЛОД ВАТАНПАРВАРМИ
ЁКИ ИСТЕЪМОЛЧИ?



Инна ОРЛОВА,
психологик ривожланиш бўйича
тренинг студияси директори,
амалиётчи психолог

Афсуски, бугунги ҳаёт тарзи шу қадар беқарорки, юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай оғир вазиятда ҳам Ватанимиз, оиламиз, дўстларимиз ва ҳамкасбларимизни ҳимоя қилишга ҳозир туришимиз керак. Бироқ юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод бундай жасоратга тайёрми? Бизни ҳақиқий маънода ватанпарвар дейиш мумкинми? Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, унда кечаётган ислохотлар миллий анъаналар ва илгор



БОЛАЛАРНИ БЕФАРҚ БЎЛМАСЛИККА
ЎРГАТИШИМИЗ МУҲИМ

Аслида, Ватанини ҳимоя қилиш нимани англатади? Юрт ҳимоясига шайлик бу — унинг манфаатларини қўлда қурол билан ҳимоя қилишга розилик, демакдир, деб қараш бирёклама ва тор мулоҳаза. Биз Ватанимизга ҳар қандай йўл билан хизмат қилсак, яъни илм-фан ва маданият соҳасидаги ютуқларимиз, ривожланган инфратузилмани яратиш, фаровонликни ошириш ва бунинг натижа-сида аҳолининг турли қатламлари орасидаги тафовутни камайтириш, шу жумладан, унинг

яхлитлиги ва ташқи чегараларини муҳофаза қилиш билан уни ҳимоя этган бўламиз. Бундай фидойилик давлатнинг ўз фуқаро-ларига қандай муносабатда бўлишига жавобан вужудга келади. Бу ҳал қилувчи омил.

Менимча, Ватан ҳимояси бу — мамлакатнинг спорт, фан ва маданият ютуқларини кўпайтириш, демакдир. Шунингдек, ҳар бир инсон ўз мамлакати ва аҳолисининг дунёда ижобий имижига шаклланишига ҳисса қўши-моғи даркор.



ХУДБИН БЎЛИБ БОРЯПМИЗ...

Ҳаётга нисбатан истеъмолчи сифатидаги муносабат муаммоси ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишишга халақит бераётгани ачинарли ҳақиқат. Бу одамларни эғоист, яъни фақат ўзини ўйлай-диган худбин қилиб қўяди. Улар ўз истаклари ва манфаатлари, энг муҳими, қулайликни ҳамма нарсадан устун қўяди. Бугунги даврда деярли ҳамма нарсани тезда алмаштириш мумкин, шу боис, ҳеч ким ўзида борини борида қадрламайди. Бошқасини сотиб олиш анча осон бўлган бир вақтда синган ёки эскирган нарсангизни таъмирлаш у ёқда турсин, ҳатто асраб-авайламайсиз ҳам. Ҳеч ким ўзини қийнашни ҳохламайди. Дўст-лик биринчи жанжал ёки хафагарчиликкача давом этади, севги-муҳаббат эса биринчи тўсиқ ёки қаршиликларга дуч келгунча. Аммо ғамхўрлик ва ҳимоя қилиш ҳар доим катта куч, машаққат, биринчи навбатда, руҳий куч-қувват талаб қила-ди.

Этиборга лойиқ жиҳати шуки, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти кундалик фаровонлик ҳамда иқтисодий барқарорлик шариоитида яшамокда. Юртимиз иқлими жуда қулай. Биз шунга кўникдик. Афсуски, бу — танганинг бир томони. Бугун биз ҳудудимиз ресурсларига нисбатан истеъмолчилик муносабатлардан азият чекаймиз: олишу

бермаслик, ҳатто атроф-муҳитга, таълим ва соғлиқ-ни сақлаш тизимларига зарар етказиш.

Ёшлар ўз ватанидан ташқарида яшаш режа-ларини туюмкоқ. Йигит-қизларимиз ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ва муносиб фаровон-ликни таъминлаш бошқа жойда осонроқ бўлади деб ҳисоблайди. Кўпчилиги бир кун қайтиб кели-шини, лекин бу нафақага ақинроқ бўлишини ре-жалаштирган. Бу аянчли. Болалар хорижда ўқиш учун қулай имкониятларга эга бўлиш мақсадида репетиторларда астойдил таҳсил олади, чет тил-ларни пухта ўрганади, фан олимпиадаси ва тан-ловларда қатнашади. Улар ўз ватанини бутунлай тарк этмоқчи эмас, кейинчалик шунчаки қариндо-шларини кўриш ёки меҳмонга келишни хоҳлайди. Минг афсуски, мен на болалардан ва на уларнинг ота-оналаридан Ватан равнақи-га ҳисса қўиш ре-жалари ҳақида эшитдим.

Тан олиш керакки, ворислик ҳуқуқи тушунча-си мавжуд бўлган оилаларда ёшлар ўзларида бор нарсаси ғамхўрлик қилади ва уни қадрлайди. Улар учун оила тизими ва оилавий анъаналар қуруқ сўз эмас. Уларда ўз яқинлигига, она юртига меҳр ва масъулият туйғуси шаклланган. Лекин, умуман ол-ганда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоси бугунги кунда жуда долзарб.

Ватанпарварлик тарбияси оиладан бош-ланади, масалан, сўхбатлашиш мобайнида ўз мамлакатининг камситиб қўймаслик, ўз халқинг ва ягона умумий Ватанга эга бўлган бошқа қардош халқларнинг маданий анъанала-рини билиш, уларни ҳурмат қилиш... Қонунлар ва амалдорлардан норози бўлган инсонни ҳам ёки ўз юрти ҳақида фақат яхши сўз дейдиган инсонни ҳам ватанпарвар, деб бўлмайди. Чун-ки ватанпарвар бефарқ эмас. У барча камчилик ва нуқсонларни билади, аммо вазиятни яхши-лаш учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. Унинг ҳулқ-атвори-га қараб, бутун мамлакати тўғрисида қандай хулосалар чиқариши ҳақида қайғуради. У одобили ва ҳушмуомала, лекин Ва-тани, юртдошлари ҳақида ёмон гапирганларга муносиб жавоб қайтара олади. Албатта, фавқу-лодда вазият юзага келганда у ўз мамлакати че-гаралари хавфсизлигини ҳимоя қилишга тайёр, чунки бу ҳар бир ватанпарвар инсоннинг фуқа-ролик бурчидир.

Бугунги кунда кўпчилик Қуролли Кучлар сафида хизматни фақат қонун бўйича маж-буриги сабаб ўташ билан фуқаролик бурчи-ни адо этипти. Лекин бу онли ва ихтиёрий равишда юртини ҳимоя қилишга шайлик эмас.

Инсон ўз диёрида ёшлигиданоқ муносиб ҳаёт кечи-ра олса, унинг салоҳиятини юксал-тириш учун давлат томонидан шарт-шаронг-лар яратилса, шахс сифатида эъзозланса, албатта, ёш авлоднинг фуқаролик позицияси фаол бўлади ва, шубҳасиз, Ватан манфаати учун ишлайди.

Ватанпарварлик баъзан миллатчилик би-лан адаштириб, чалкаш тушунилади. Ҳар доим “мен рус миллатига мансуб ўзбекис-тонликман”, дейман. Муҳими, мен хоҳлаган жойимда ўз она тилимда бемалол сўзлай ола-

ман, бунинг учун мени ҳеч ким айбламайди. Шу билан бирга, давлат тилини ҳам ўрганап-ман. Бу эса имкониятларим доирасини янада кенгайтирмоқда.

Биз ҳаммамиз ватанпарварлик эътиқоди-га турли йўллар орқали келамиз: кимдир илм-фан ва санъат, кимдир тибобият ва спорт, ким-дир эса маънавият ва дин орқали. Шунда кун-ларнинг бирида инсонда ўз юрти ва ўзининг унга тегишли эканидан фахрлиниш туйғуси пайдо бўлади.

Ватанпарварлик туйғуси болаликдан, “кичик Ватан” тушунчаси орқали шакллана-ди. Менинг уйим, менинг кўчам, маҳаллам, қўшниларим... Болани фақат ўзинигина эмас, атрофимиздаги одамлар, ўраб турган макон ҳақида ўйлашга ўргатсак, бу туйғу ўз-ўзидан, секин-аста кучайиб бораверади.

Биз, катталар ўзимиз ўрнатган бўлган ҳол-да болага ўргатамиз, бошқача йўли йўқ. Мак-табларда ёки университетларда фуқаролик позициясининг аҳамияти ҳақида ақли маъ-рузалар ўқишингиз мумкин, аммо фойдасиз бўлмайди. Лекин болаликдан биз яшаётган жамиятга ҳурмат ҳиссини сингдира олиши-миз ҳам мумкин, масалан, чиқинди ташла-маслик, зарар бермаслик, одамларнинг тин-чини бузмаслик, маҳаллий муаммоларни ҳал қилишда биргаликда иштирок этиш ва ҳоказо. Яъни болаларни бефарқ бўлмаслик-ка ўргатишимиз муҳим. Бунинг учун эса ҳам давлат томонидан, ҳам ота-оналар томонидан мажмуавий чора-тадбирлар қўлланиси ло-зим. Шундагина қалбида Ватан, она юрт каби қадриятлар шаклланган фарзандлар вояга ет-гади. Болалар катталарнинг мамлакатга бўлган муносабатини такрорлайди. Шунинг учун ўзгаришни, аввало, ўзимиздан бошла-шимиз даркор.



Биз, ҳеч шубҳасиз, экологик мувозанат, мусоффо ҳаво, тоза сув, безавол табиат тарафдоримиз. Бу масала биз учун бошқаларга қараганда ниҳоятда долзарб ва муҳимдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚАЛБИДА МЕҲР-МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ
МАВЖУД ИНСОНГИНА ҒАМХЎРЛИК
ҚИЛА ОЛАДИ

Инсон ҳар доим сайёрамиз экотизими-нинг бир қисми бўлган. Ота-боболаримиз сайёрамизни ўсимлик, ҳайвонот олами ва ҳатто жонсиз табиат билан баҳам кўраёт-ганини жуда аниқ тушунган. Улар оқилона мувозанатни сақлаган ҳолда ҳамжihatликда яшай олган. Технологик тараққиёт туйфайли инсон ўзини экотизимдан ажратди ва бир кун билан яшай бошлади. Бундай ҳолат ҳар доим қайсидир инсон ўзини бошқалардан яхшироқ, афзалроқ ва муҳимроқ деб ҳисо-блай бошлаганида содир бўлади. У стратегик фикрлашдан тўхтайди, ҳозирги кун билан, шу дақиқада ўзини яхшилик қилиш учун яшайди. Шу зайдда аста-секинлик билан ўз худудимиз экотизимини бузишни бошлай-миз. Афсуски, болаларимиз катталарнинг муносабати ва одатларини ўзлаштирмоқда. Бугунги кунда оммининг позицияси бун-дай: айнан ҳозирги дақиқадаги қулайлик ва шароит — ҳамма нарсадан устун. Олдиётгина ботаника ва биология бўйича элементар би-лимлар етишмаслиги эса инсон ўз қўллари билан яратётган экологик офат қўламини тушуниб етишишга тўсқинлик қилади.

муҳаббат туйғуси бўлсагина, ғамхўрлик қила олади.

Бугун болаларнинг экологик тафаккури бузилган, уларда экологик онг шаклланмаган. Тоза ҳавога, кўчага чиқиш ўрнига уйда қўл-ларидида гаджетлар билан ўтиришга ўрганди. Уларнинг деярли дўстлари ҳам йўқ, фақат-гина ижтимоий тармоқлар орқали орттирган танишлари бор, холос. Демак, келажакда “ки-чик Ватан” билан боғлиқ илқ хотиралар ҳам шаклланмайди.

Табиат қонунларини тушунишни гўдак-лик давридан сингдириб бориш керак. Буни сўз билан эмас, балки инсон экотизимнинг барча даврларига интеграциялашганини ва табиатдан ташқарида мавжуд бўла олмасли-гини кўрсатадиган ҳаққоний ҳаракатлар би-лан кўрсатиш лозим. Масалан, сувни тежа-ш орқали, машиналарни ичимлик сув билан юв-май, пластмассадан фойдаланишни чеклаш, улар қурилиш материаллари ва ёқилги сифа-тида ишлатилади. Замонамиз болаларидан нечтаси бу ҳақда билади?

Улар атроф-муҳитдан — микроблару ҳашаротлардан қўрқади. Сиз болаларнинг қўлмақларда шодон сакраётганини ёки ту-проқда ўйнаётганини тез-тез учратасизми? Йўқ, ота-оналар фарзандларининг табиат билан алоқада бўлишига йўл қўймайди. Чун-ки улар учун боласининг кийими лой бўл-маслиги муҳимроқ, Шунинг учун бола ўзи шунчаки қадрини билмаган ёки тушунмаган нарсаси ғамхўрлик ҳам қила олмайди. Ёнг фожияли жиҳати шуки, аста-секин болада атроф-муҳитни душман сифатида қабул қи-лиш ҳисси шакллана бошлайди. Ахир душ-маннига ким ҳам ғамхўрлик қиларди?

Болалар табиат билан муносабатларимиз-нинг элементар асосларини билмайди. Маса-лан, асаларилар йўқолса, гуллар кўпайишдан тўхтайди ва инсоният халокати равишда кўп нарсани йўқотарди. Чунки ўсимликлар ул-кан манба, жуда катта бойлик ҳисобланади. Ўсимлик мавжуд ва сабзавот бўлади, қолаверса, уй ҳайвонлари учун озуқа ҳамдир. Ўсимлик хомаҳисси дорин-дармон тайёрлашда муҳим, улар қурилиш материаллари ва ёқилги сифа-тида ишлатилади. Замонамиз болаларидан нечтаси бу ҳақда билади?

Ҳозирги даврда экологик саводхонлик-нинг аҳамияти жуда юксак. Ҳар бир инсон — болалар ва катталар онгига ўз худуди, вилоят-ни, мамлакати табиотини қадрлашни қанчалик муҳимлигини сингдириш, она юрт табиати нақадар бетакорлиги ва сайёрамиз экоти-зимининг бошқа унсурлари билан ўзаро боғ-лиқлигини кўрсатиб бериш лозим. Ватанпар-варлик бу — асраб-авайлаш, дегани. Керак бўлса, ҳимоя қилиш ҳам.

МИЛЛИЙ ВА ФУҚАРОЛИК ТУЙҒУСИНИ
ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИШ КЕРАК?

Болаларда ватанпарварлик туйғусини гўдақликданоқ ривожлантириш керак-лиги ҳақида гапирдик. Шу ўринда бир неча савол туғилади: оилада янгликлар қандай муҳокама қилинади? Вояга етган оила аъзолари сайловларда қатнашади-ми? Оилада давлат байрамлари нишонла-нади-ми? Мадҳия матнини билишади-ми? Ота-оналар мамлакат ҳаётининг ижобий томонларини, миллий хусусиятларини таъкидлайдими ёки, аксинча, салбий жиҳатларини муҳокама қиладими? Кекса ёшдаги қариндошлар ҳукуматнинг хайр-ли ташаббусларини қўллаб-қувватлай-дими ёки фақат қоралайдими? Миллий тарих ҳақида нима дейди, бошқа миллат ва дин вакилларига қандай муносабат билдиради? Бола ота-онаси билан музей ва кўргазмаларга борадими?

Булари-нинг барчаси боланинг миллий ва фуқаролик туйғуси, шунга мос ра-вишда унинг дунё ҳақидаги тасавури қандай шаклланишини белгилайди: у юртининг ватанпарварига айланадими ёки оддий фойдаланувчи ва истеъмолчи бўлиб етишадими?



Ватан ҳимоясини тарбиялаш учун, аввало, болани руҳий ёки ҳиссий ноғи-ронга айлантирмаслик керак. Ота-она қайғуриши шарт! Болада ўзига ишонч ва соғлом мустақилликка интилиш

туйғусини тарбиялаши, унинг фикр-мулоҳазалари, хулоса ва қарорларини рағбатлантириши лозим. Бу ҳар доим ҳам боланинг фикрига қўшиливеришини аниқламайди, шунчаки ота-она ўз нуқтан

назарини болага сингдирмасдан, унинг позициясини ҳурмат қилиши мақсадга мувофиқ. Оилада бола билан илбт, сами-ий муносабат бўлиши керак. Абстракт, яъни мавҳум бўлган Ватанини, инсония-тни кимдир ҳимоя қилишни даргумон. Аммо ўз оиласи, яъни қариндош-у, лекин ўзимиз қандай намуна кўрсатаймиз? Атрофимиздаги оламини авайлаб-асрайлик, бор нарсамизнинг қадрига етайлик, юрт равнақида бузгунчи эмас, бунёд этувчи сифа-тида ҳисса қўшайлик. Умид қиламизки, мақоламиз ўқувчиларни бу ҳақда ўйлашга мажбур қилади.



Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига

Эзгуликка чақириқ ёхуд ҳақиқий дўстлик ифодаси



Давлатимиз раҳбарининг “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилиниши юртимиздаги барча адабиётсевар ва маърифатсевар мухлислар қалбида улуг ва қувончли таассурот уйғотди. Чунки туркман халқининг буюк ва беназир шоири Махтумқули барча туркий халқлар орасида шеърятга севиб ўқиладиган шоирлар сирасига киради. Иккинчидан эса бу қарор ўзбек–туркман халқларининг ҳақиқий дўстлигини ифода этувчи тарихий ҳужжатга айланди.

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Жаҳондаги турли халқлар, жумладан, ўзбек ва туркман халқлари дўстлигининг илдизи инсон зоти яралган ва тарқалган энг қадимий даврларга бориб тақалади. Бу қадимий дўстлик ҳазрат Алишер Навоий билан ҳазрат Махтумқули сатрларида ҳам ўз тавсифини топгандир. Ҳазрат Навоий “Фарҳод ва Ширин” достони низоҳида чиройли эътироф билан айтди:

*Кўнгул бермish сўзумга турк, жсон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам!*

Бунда туркман халқи ўзига хос бир миллат эканига равшан ишорат бор.

Махтумқули ҳазратлари ҳам Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таълим олгани ва у ерда Қуръони каримни хатм қилганини таъкидлаб, ҳазрат Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанд, ҳазрат Саййид Амир Кулол, ҳазрат Занги Ота каби маънавият даргаларига улуг муҳаббат ва эътиمودини ошкор баён қилади, бу орқали ҳақиқий дўстлик ва қардошлиқнинг олий намунасини кўрсатади:

*Дехстоннинг байиринда
Боди сабони кўрсам.
Баҳоуддин, Мир Кулол,
Занги Бобони кўрсам.*

Икки давлат — Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг олиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатининг маънавий асослари шу қадар қадимий, шу қадар мустақамдир.


Мамнуният билан эслаймиз, Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти сифатида илк марта Туркменистонга ташриф буюрганида қардош давлат раҳбарига ўзбек тилида чоп этилган Махтумқули китобини совға қилган эди. Уша илк эҳтиром бутунги кунда мутафаккирнинг таваллуд анжумани Ўзбекистонда алоҳида байрам қилинишига асос бўлмоқда.

Икки давлат раҳбарининг мақсад ва ғояси ҳам, умид ва ташвиши ҳам асосан, тинчлик неъматини бардавом сақлаш, халқлар дўстлиги тамойилларини муҳофаза қилишдан иборат экани равшан ҳақиқатдир. Албатта, ўзбек ва туркман халқларини бирлаштириб турган омиллар кўп.

Энг биринчи омил пок ва муқаддас динимиз бирлиги, эътиқодимиз муштараклигидир. Бу оламшумул бирдамлик ҳаминша яхши натижалар берган ва тинчлик-оқоштанликнинг гарови бўлиб келган.

Иккинчи муҳим омил маданият, адабиёт ва санъатимиз бирлигидир. Буюк туркман адиби Махтумқулининг отаси Давлатмуҳаммад Озодий фақат атоқли шоир бўлиб қолмасдан, балки замон алломаси, тақво ва маърифат аҳлининг пешвоси, Алишер Навоий ижоди билмидони, айниқса, “Махбуб ул-қулуб” асаридан яхши баҳра топган ориф ва ошик зот экани унинг шеърый “Баёъ”и ва “Ваъъи Озод” асаридан маълумдир.

Давлатмуҳаммад Озодий, Муллонафас, Махтумқули, Андалиб, Камина сингари туркман мумтоз адабиёти вақиллари ҳазрат Навоий асарларини ўз адабиётидек севиб, баҳраманд бўлганлар, у зотни ўзларига устоз деб билганлар. Айни вақтда, Махтумқули ва бошқа мумтоз туркман шоирлари шеърятини ўзбек халқининг ўз мулкига айланиб кетган.



Учинчи муҳим омил қадимдан аҳил ва тотув яшаб келган ён қўшни, бир дарёдан сув ичган, қадимий Жайхун — Амуларё сувидан баҳраманд бўлган, ўзаро савдо-тижоратни йўлга қўйган, бир-бирининг маданияти ва маънавиятини бойитган халқлар эканимиздир.

Тўртинчи муҳим омил асрлар давомидидаги тарихимизнинг бирлиги, зафар ва озодлик дэвларини ҳам, мустахлака ва истибод жабрларини ҳам бирга кечирган, дарддош, ғоядош яшаб, низоҳат, янги истиқлол даврига ҳам бирга эришганимиздир. Ана шундай бирдамлик омиллари икки давлат раҳбари янги босқичга кўтарётган дўстлик ва ҳамкорлик сиёсати негизида янгича мазмун билан давом этмоқда. Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини Ўзбекистонда кенг нишонлаш тўғрисидаги қарор бу янгича мазмун далилларидан биридир.

У отаси сингари бошланғич таълимни қишлоқ мактабида олади. Кейин Марказий Осиёнинг улкан маданият ва илм-фан марказларидан бўлиш кўҳна Хива шаҳридаги Шерғозихон мадрасасида уч йил ўқиб, муҳим илмларни ўзлаштиради, ўзи айтганидек, дили очилади, оқ-қорани, ҳақ-ноҳақни, дўст-душмани ажратадиган бўлади. Ёш олим мадраса билан хайрлашув шеърда шукрона туйғуларини бундай ифода этади:

*Ажратарман энди оку қарони,
Дўст-рақиб, қардошим, Ҳақни, ёронни,
Ўқидим, кўтардим Китоб — Қуръонни,
Кетар бўлдим, хуш қол,
гўзал “Шерғози”.*

Махтумқули араб, форс тилларини пухта ўзлаштирган, чигатой — эски ўзбек тилини мукамал билган. Бу ҳол унинг ижодидаги сўз бойлиқларидан ҳам аён. Ижодидан маълум, Махтумқули Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бир қанча диёрларини кезган, Бухоро, Хива, Афғонистон, Озарбайжонда бўлган. “Занги Бобони кўрсам”, дейишига кўра, Тошкентга ҳам келгани тахмин қилинади.

Мадина мунавварада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак равзаларини зиёрат қилмоқ ниятида экани, яна: “Йймоним йўлдош бўлса, Борсам, Каъбани кўрсам” ёки “Ниятим Каъбидир, ҳаёлим ҳаждир. Ихлосим бор ҳаж тавофин этмоққа”, дейишига қараганда, муборак Ҳаж ибодатини адо этмоқни ният қилгани аниқлашади. Таниқли шарҳунос олим Е.Бертельс Махтумқулининг “Туртил, дедилар” номли шеърини Пушкиннинг “Пророк” (“Пайғамбар”) шеъри билан таққослаб, муштарак ва фарқли жиҳатларини топишга уринган. Чунки Пушкиннинг “Пайғамбар” шеъри Муҳаммад алайҳиссалом васфларини ифода этса, Махтумқулининг “Туртил дедилар” шеъри бир неча авлиё зотлар васфини баён этади. Шеърдаги тафсилот зоҳиран Пушкин ифода этган воқеага ўхшагани учун Бертельснинг эътиборини тортган.

Махтумқули ижоди буюк маърифатга, муқаддас оятлар ва муборак ҳадисларга, тасаввуф таълимоти, валийлар ҳикматига ҳамда илми ладунийга асосланган.

Махтумқули шеърятини — нури шеърятини. Унинг ижодида дунёвий ва ухровий илм-маърифатдан хабар берувчи сермазмун шеърлар алоҳида мавқени ташкил этади. Мутафаккир шоирнинг бутун маърифати, исломий муҳаббати, ишқи, шавқи, қайғуси шеърларида акс этади. Шеърят шоир қалбнинг кўзгусидир. Махтумқули ижоди бутун инсониятга қаратилган маърифий хитоблардан иборат, шеърятини эзулгича қақирқидир. Шоирнинг ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги эҳтиромли ва муҳаббатли шеърларидан ҳаётбахш нақшбандия таълимотига эҳтиромни кучли эканини аниқлаш мумкин.

Камина Махтумқули ижодининг содиқ мухлиси ва камтарин таржумони сифатида Президентимизнинг шоир таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорини улуг қувонч, эҳтиром ва эътироф билан қарши олдим. Умид қиламизки, бу тарихий қарор халқимиз учун Махтумқули ижодини тереңроқ аниқлаш ва маърифатидан баҳраманд бўлиш йўлида яхши натижалар беради.

Мулоҳаза

САВОБЛИ ИШ САОДАТЛИ БЎЛУР

Аминжон Аҳмедов ўттиз етти йилдан бери пойтахтимизнинг Яккасарой тумани Дилбулоқ маҳалласидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайди. Уйининг орқасидан Салар ариғи оқиб ўтган. Яқин-яқингача бу ариқнинг аҳолини кўрган кишининг ҳафсаласи пир бўлар, ич-ичидан ачинарди. Кишин-ёзин озми-кўпми сув оқиб турадиган бу ариқнинг турли-туман чиқиндилар билан тўлиб бораётгани, атрофга таралаётган балчиқ ҳиди, афсуски, ҳеч кимни ташвишга солмасди.



Энг ачинарлиси, уни тозалаб, атрофини ободонлаштириш маҳалла фаоллари, маҳаллий мутасаддиларнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Бунинг устига, айрим одамлар уйдаги чиқиндини махсус идишларга ташламай, Саларга улоқтирарди. Бу нохуш манзара Аминжоннинг гашини келтирар, асабини бузар, тегишли идораларга қилган муражаатлари жавобсиз қолаётганидан хунуби ошарди.

Елиб-ногуришлардан фойда чиқмаган, Аминжоннинг ўзи енг шимариб ишга киришди. У яшаётган кўп қаватли уйнинг орқа

деворига қадар тақалиб келган чиқинди уюмларини ерталаб ва ишдан келиб, махсус чиқинди ташлаш жойларига кўчирди. Дам олиш кунлари тонгдан шомгача тер тўқди. Бу ҳолни кўрган кўни-қўшнларининг бири ҳавас билан боқса, бири ҳасад қилди. Биринчи “Ҳорманг, Аллоҳим ишингизнинг барорини берсин”, деса, бошқаси афтини буриштиргача ўтиб кетди. Ҳатто кечагина тозаланган жойга юқоридан елим халта тўла чиқинди ташлаганлар ҳам бўлди.

Беш бармоқ баробар эмас, кўп қаватли уйлардаги одамлар ҳам ҳар хил. Биринчи бўлишига қарамай, чиқиндини балкондан улоқтирса, бошқаси ҳассаса таяниб юрса ҳам, белгиланган жойга олиб бориб ташлайди. Ҳаётда битта дарахт ҳам ўстирмаган, бир парча жойини обод қилмаган кимсалар эса кўп қаватли уйларнинг олди ва орқасидаги йўлакларга машиналарини қаторлаштириб қўйганига нима дейсиз? Ҳар кун ирталаб ўн-ўн беш дақиқа қиздириладиган бу машиналарнинг заҳарли тутуни дарахт ва гулларни қовжиратиб курилади.

Буларни кўрганда Аминжоннинг ҳаёли куйидаги саволлар келарди: нега бу

ҳолат маҳалла оқсоқолини, унинг ходим ва фаолларини, профилактика инспекторини ташвишга солмайди? Кўп қаватли уйлардан иборат замонавий маҳалланинг ҳар бир қарчирини озода туттишга, обод қилишга даъват этиш, бу борада ташаббус кўрсатиш уларнинг вазифаси эмасми? Ўз уйимизга, ўз маҳалламизга беписанд қараш билан ёшларимизни имони бутун, виждони пок, гурури баланд, ватанпарвару меҳнатсевар, миллий қадриятларимизга садоқатли, муҳтасар айтганда, маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялай оламизми? Давлатимиз раҳбарининг бу борада куйинчаклик билан бонг ураётгани бежиз эмаслигини қачон аниқлашимизу қачон гапдан амалий ишга ўташимиз?

Хуллас, қаҳрамонимиз ўзи яшаётган кўп қаватли уй орқасидаги уч сотихча жойини тозалаб, текислади, ўғитлади, мотор билан Салардан сув чиқариб сўғорди. Сўн анор, олма, олча, олхўри, ўрик, хурмо, анжир, узум каби мева дарахт кўчатларини тартиб билан экди. Меҳр билан парвариш қилди. Кўп ўтмай, ёш ниҳоллар япроқ ёзиб, гулга кирди, мева туга бошлади. Ўшанда Аминжоннинг қувонганини бир кўрсангиз эди. Нега қувонмасин? Кечаги ташланган жойда пешона тери билан кўзни қувнатадиган, дилни яйратадиган мўъжазгина гўзал боғ яратди-ку

ахир. Шу иш учун хурсанд бўлмасинми? Бўлади-да!

Аминжон не-не машаққатлар билан бунёд этган боғ йилдан-йилга чирой очиб, дарахтлари кучга кириб, яхшигина ҳосил бера бошлаганда, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозирлар пайдо бўлди. Улар мевали дарахтлар гўрасини ейиш билан чекланмай, шохларини синдиришгача борди. Меҳнатига қуйиб қилишни истамаган Аминжон анча-мунча маблаг сарфлаб, боғни панжара билан ўраб чиқди. Лекин бу қайсидир раҳбарларга ёқмади, панжара олиб ташланди. Аммо бу иш ҳам боғбон йигитнинг қўлини ишдан совита олмади, фарзандларидек бўлиб қолган ҳар бир ниҳолни кўз қорачигидек асради, атрофдагилар уларга шикаст етказмаслиги учун куну тун кўз-қулоқ бўлди. Эрта баҳорда қийғос гуллаган дарахтларидан кўз узолмай қолди. Пишганда мевасини кўни-қўшнларини билан баҳам кўрди.

Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолар, деганларидек, дарахт эккан, боғ яратган, одамларни ортидан эргаштириб, юртни обод қилган раҳбар ҳам бўлмайди.

Яқинда туман ҳокими бўлган Нилуфар Аллабергенова Дилбулоқ маҳалласига келди. У маҳалланинг ижтимоий муаммоларидан тортиб, қилинаётган ва қилиниши керак бўлган ишларга қўрағиб чиққач, Салар бўйлаб юрди. Аминжоннинг боғи олдинда ўтириб



тўхтади. Турли-туман мевали дарахтларга маҳаббат бўлганча, дарахтларни ким экканини сўради. Маҳалла оқсоқоли Мирзатилла ака дарҳол Аминжонга қўнғироқ қилиб, пастрта тушишини айтди. Хиёль ўтмай, боғбон укамин боғи ёнида ҳокимнинг саволларига жавоб берди. Ҳоким Аминжонга раҳмат айтиб, уни янада обод қилиш учун ёрдам беришини билдирди. Боғ бўйича ҳоким топиригини олганлар кейинги кун ирталабдан иш бошлади.

Яна бир гап. Кўп қаватли уй борки, унинг олди ва орқа томонида йўлакларни ажратиб турувчи бир парча бўлса ҳам ер бор. Ўша ерни Аминжонга ўхшаганлар гулзору боғ қилиб, одамларга хуш кайфият бахш этса, кимдир бетон ётқизиб, машинасини қўяди. Яна кимдир чиқинди ташлаб, чиқиндихонага айлантиради. Бу иш баъзан қўшнлар ўртасида низога ҳам сабаб бўлади. Аслида, ерни боғ, гулзор қилган инсонлар гўзаллик яратмоқда. Ўтил-қизларини набираларини она Ерни асрашга, унга меҳр беришга ўргатмоқда. Бундай одамнинг меҳнатини қадрламаслик гуноҳ.

Шу ўринда бир тақлиф: бу ташаббусни Яккасарой тумани ҳокимлиги Аминжон Аҳмедов мисолида барча маҳаллаларда татиб қўйса, туман қанчалар тоза, обод, фаровон бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу ташаббусни пойтахт ҳокимлиги

қўллаб-қувватласа, зарар кўрадики? Ёки миллиард-миллиард маблаг сарфлайдики? Йўқ, албатта!

Биринчидан, ҳар бир кўп қаватли уйнинг олди ва орқа томони чиқиндига ботиб ётмайди. Иккинчидан, ўша бир парча ер инсон меҳнатидан баҳра олиб, яшайди, яшаради. Ранг-баранг гулларга бурканиб, ҳавони муаттар ҳидларга чулғайди. Бу қўшнлар ўртасидаги ишонч, ҳурмат, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Болаларни тозалikka, тартиб-интизомга, меҳнатга, табиати севишга, ўз уйи ва маҳалласини асрашга ўргатади.

Учинчидан, инсон ҳаёти учун зарур бўлган ҳаво тозаланади. Ҳар бир маҳалла ҳавас қилгучил чиройга эга бўлади.

Лекин бу хайрли ва савоб иш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунга эътибор, бош-қош бўладиган, қўллаб-қувватлайдиган, химоя қиладиган ташкилотчи раҳбар керак. Шунга эришсак, юртимиздаги барча маҳаллалар, қишлоқлар, шаҳарлар чиройига чирой қўшилиб, янада гуллаб-яшнайди. Унутманг, савобли иш саодатли бўлур.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 592.
9800 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манли: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳис: Маллоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 02:15 Тошхирлиди — 02:45